

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 34.Канимкулов О.Ш.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ  
ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....278
- 35.Камолов Ж.М.**  
ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....286
- 36.Курязова Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ  
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ...292
- 37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.**  
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ  
ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА  
ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....299
- 38.Исматова Н.К.**  
ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА  
ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....307
- 39.Исматуллаев Ф.О.**  
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ  
ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....319
- 40.Кадирова М.Т.**  
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР  
ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....329
- 41.Каромов Ф.Ҳ.**  
ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....334
- 42.Мажидов Ш.Ф.**  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....340
- 43.Мамадаминова Б.**  
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ  
ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....345
- 44.Mattiyev O'.B.**  
TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING  
GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUUJATLARIDA YORITILISHI.....353


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Мажидов Шерзод Фархадович**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти  
"Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" кафедраси  
катта ўқитувчиси,  
mitra7777@mail.ru

## МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИХАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ)

*For citation: Majidov Sherzod Farxadovich. ETHNOPOLITICAL ASPECTS OF NATIONAL SECURITY: EU EXPERIENCE (EARLY 2000-S). Look to the past. 2020, SI, pp.340-344*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-42>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур ишда муаллиф томонидан Европа Иттифоқида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги жараёнлар, уларни миллий ҳавфсизликга таъсири, ҳамда ЕИ институтлари томонидан мазкур соҳаси бошқариш усуллари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** миллий ҳавфсизлик, Европа Иттифоқи, миллат, миллатлараро муносабатлар, евроинтеграция жараёни, мигрантлар, барқарор ривожланиш.

**Мажидов Шерзод Фархадович,**

Старший преподаватель кафедры гуманитарные  
и социально-экономические науки СамМИ  
mitra7777@mail.ru

## ЭТНОПОЛИТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ: ОПЫТ ЕС (НАЧАЛО 2000-ЫХ ГОДОВ)

### АННОТАЦИЯ

В работе автором рассмотрены процессы в сфере межнациональных отношений в странах Европейского Союза в условиях интеграции региона, показано их влияние на национальную безопасность стран континента и на процесс евроинтеграции, а также политика ЕС в рассматриваемой сфере.

**Ключевые слова:** национальная безопасность, Европейский Союз, нация, межнациональные отношения, евроинтеграция, мигранты, устойчивое развитие.

**Majidov Sherzod Farxadovich,**  
Senior lecturer of the Department of Humanities  
and socio-economic sciences of SamMI  
mitra7777@mail.ru

## ETHNOPOLITICAL ASPECTS OF NATIONAL SECURITY: EU EXPERIENCE (EARLY 2000-S)

### ABSTRACT

In the given work the author describes etnonational processes in EU, influence on them of the factor of integration of the European countries and shows experience of EU under the decision etnonational of problems.

**Key words:** national security, European Union, nation, interethnic relations, European integration, migrants, sustainable development.

Долзарблиги. XX-аср охири XXI-асрнинг бошида инсоният цивилизацияси ахборот даври, "ахборот жамияти" ёки "постиндустриал жамияти" босқичига ўтмоқда. Информацион цивилизация глобаллашув жараёнларини тезлаштириб юборди. Глобаллашув табиий-тарихий жараён бўлиб, қатор ижобий тенденциялар билан бирга айрим салбий жihatлар ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан жахоннинг кўп минтақаларида миллатлараро муносабатлар соҳасида жиддий муаммолар юзага келмоқда. Бунинг сабаблари нафақат миллат ва элатларнинг этник онгининг ўсиши, балким глобаллашув жараёнининг кенгайиши ва бунинг натижасида маълум этник гуруҳларнинг ташқи ва ички миграция орқали турмуш жойларини алмашувинидир. Бу нарса ўз навбатида маҳаллий аҳоли ва кўчиб келган этник гуруҳ орасида маданиятлараро (асосан тили ва дини) тўқнашувларга олиб келмоқда. Бу эса, олимларнинг фикрича, сиёсатшунос С.Хантингтон томонидан эълон қилинган "цивилизациялар тўқнашуви" назариясини ўз тасдиғини топишидир. Интеграциялашаётган Европада, аниқроғи Европа Иттифоқида (ЕИ) бу жараёнлар яққол намоён бўлмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тарихий-қийёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулосалар бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндашув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Миллатлараро муносабатлар ҳар қандай давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг муҳим қисмларидан биридир. Марказий Осиё давлатлари учун ҳам миллатлараро муносабатлар, уларнинг барқарор ривожланишининг муҳим буғинларидан бири бўлиб, уларда ушбу соҳага диққат билан қарашларининг етарлича асослари мавжуд. Масалан, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ кетаётган зиддият ва можароларнинг асосий сабабларидан бири, ушбу давлат этник гуруҳларининг ҳокимият учун олиб бораётган кураши. Натижада ушбу давлатдаги нотинчлик бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таҳдид солмоқда [1; 26-27].

Мустақилликга эришилгандан сўнг Марказий Осиё республикаларининг

интеграция заруриятини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан "Туркистон - умумий уйимиз" ғояси ўртага ташланиб, давлатимиз раҳбари қуйидагиларни таъкидлагандилар - "Хусусан, Ўзбекистонда "Туркистон умумий уйимиз" ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат, ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра, инсонпарвар, конструктив жараён дир. Чунки у минтақадаги миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла - тўқис мос тушади. Зотан "Туркистон" деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади. Минтақадаги интеграция жараёнлари ҳам барча халқлар ва бутун кўп миллатли аҳолининг давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланиши даркор" [3; 476-477].

ЕИ ривожланган давлатларнинг энг йирик интеграциялашган бирлашмаси бўлиб, у ўзининг ярим асрдан ортиқ тарихига эга. Бошқа интеграциялашган бирлашмалардан ЕИ нафақат ўз кўрсаткичларининг миқдори ва ҳажми, балки унга аъзо давлатларнинг бир-бирига чуқур интеграциялашуви билан ҳам фарқланади.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари билан икки томонлама муносабатлари ҳозирги кунда фаол ривожланмоқда. Ушбу йўналиш мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида нуфузли аҳамиятга эга. Биринчи Президент Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши муҳим ўрин тутишини ва унинг мамлакатимизда трансформацион жараёнларининг суръати ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлигини 90-йилларда алоҳида таъкидлаганди [1; 303].

Ўз навбатида Марказий Осиё учун ЕИ, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Авваламбор, ЕИ давлатлари Марказий Осиёда "геосиёсий плюрализмнинг" барпо этилишини ва ушбу ҳудудда мувозанат ва очиқликни сақлаб қолиб, бу ердаги иқтисодий масалаларни хал қилишга интилади [6; 84].

Ўзбекистон Республикасидаги барқарор тараққиёт, тинчлик, табиий-техникавий ва илмий салоҳият ЕИ манфаатларига тўла мос келади. Бундай шерикчиликнинг асосий мақсади - Ўзбекистонга иқтисодий мулкӣ муносабатларни ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишда, ҳамда қонун устуворлигига асосланган замонавий фуқаролик жамиятини қуришда ёрдам курсатишдан иборат [2; 3-5].

Айнан шу муносабатлар тариқасида, ЕИ мамлакатларнинг ички сиёсатини, хусусан миллий ва этносиёсий муҳитини ўрганиш, Марказий Осиё давлатлари ўртасида потенциал мавжуд бўлган минтақавий интеграция шароитида миллатлар ва давлатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга ва юз бериши мумкин бўлган зиддиятларини олдинини олишга ёрдам бериши аниқ [8; 113-115]. Европа Иттифоқининг босқичма - босқич кенгайиб бориши, унинг ташкил қилган давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий - иқтисодий, маданий муҳитида бўлаётган фундаментал ўзгаришларнинг моҳиятини ўрганиш ва улардан тегишли сабоқлар олиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда, интеграция жараёнини бошидан кечираётган Европа сиёсий муҳитининг парчаланилишини бошидан кечирмоқда. Европа Иттифоқини ташкил этган "катта давлатлар"нинг ичида ўзининг турлича иқтисодий савияси, сиёсий йўналиш ва сиёсий ҳуқуқий - маъмурий мақомига эга бўлган 200га яқин

истиқомат қилувчи халқлар, миллий озчиликни ташкил этмоқда [7; 3]. Буюк Британия, Бельгия ва Испанияда сепаратистик кайфиятини авж олиши, ГФР ва Францияда иммигрантларга қарши ҳаракатларнинг кўпайиши, қатор ультраўнг сиёсий партияларнинг фаоллашуви, - ЕИ давлатларида "миллат" тушунчаси "уйғониши" тўғрисида далолат беради.

ЕИ ичида, миллатчиликка қарши кураш олиб бораётган икки поғонали, суверен давлатлар тегишли органлари ва ЕИ институтларидан иборат тизимни таъкидлаш мумкин.

Евроиттифоқда миллатлараро муносабатларда пайдо бўлаётган муаммоларнинг авж олишини ҳал этишда Евроиттифоқ интеграцион тузилмаларининг фаолият кўрсатиши учта йўналиш асосида амалга оширилмоқда.

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши ва унинг асосий эркинликларини кафолатлаш орқали. Амалдаги бунинг ҳуқуқий таянчи - 1950 йилда қабул қилинган "Инсон ҳақ - ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилувчи Европа конвенцияси".

Иккинчидан, умумий иммиграцион сиёсат орқали. Иммигрантлар камситилишининг йўл қўйилмасмаслиги ҳақидаги умумий қоидалардан ташқари, коммунитар институтлар - миллий сиёсатнинг зарурати ва этносиёсий зиддиятларга ўз таъсирини ўтказди. Буюк Британиянинг Эдинбург шаҳрида 1992 йили ЕИ ягона миграцион сиёсати тўғрисидаги Декларация қабул қилинган [10; 17].

Учинчидан, ЕИ ичида ягона маданий ва ижтимоий - психологик муҳит яратиш орқали. Шу мақсадда Евроиттифоқда трансъевропа студентлар алмашуви тажрибаси йўлга қўйган, масалан "Еразмус", "Темпус" ва "Европа учун ёшлар" дастурлари шулар жумласидан [9; 85-86].

Европа қонунчилигининг бу борада қонунбузарликларни бартараф этишга қаратилган меъёрий базасини ташкил этишдаги интилишлари эътиборни ўзига тортади. Меъёрий-ҳуқуқий базадан ташқари, қатор давлатлар миллатчиликка қарши йўналтирилган қабул қилинган дастурни таъкидлаш лозим [11; 20].

#### 4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги пайтда ЕИ нинг иқтисодий потенциали унинг сиёсий мавқеини оширишга таъсир кўрсатмоқда. У шу орқали жаҳон сиёсати харитасида ўз мавқеини кучайтирмоқда, халқаро тизимнинг сиёсий майдонига айланмоқда. Европа келажакда жаҳонда тинчликни сақлаш учун нафақат сиёсий жиҳатларга, балки миллий чегаралар доирасидагина мавжуд бўла олмайдиган хавфсизликнинг янги моделини яратишга ҳаракат қилмоқда. ЕИнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга аъзо мамлакатлар инсон, товар ва капиталнинг эркин айланиши, ўзаро чегараларнинг шаффофлиги шароитида маданий-этник жиҳатларини сақлаб қолган [10; 17].

Шуни айтиш жоизким "миллат" ва "миллатчилик" тушунчалари Европа минтақасида пайдо бўлиб, айнан ушбу ҳудудда яшаб ўтган олимларнинг фикрлаш доирасида миллий мустақиллик, миллий ўз - ўзини англаш, миллий суверенитет тушунчалари эрта шакллана бошлаган. Шунинг учун, айнан ушбу минтақада, ҳар бир давлатнинг умуммиллий манфаатини акс этган ҳолда, миллий зиддиятлар ва келишмовчиликларни ҳал этишнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш эҳтимоли мавжуд ва унинг ижобий жиҳатларидан бошқа минтақалардаги миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни бартараф этишда ва барқарор ривожланишни қарор топиши учун кенг фойдаланиш мумкин.

**Иқтисоблар/Сноски/References:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. - Т.: "Ўзбекистон". 1997.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.: "Ўзбекистон". 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон". 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида. Т.: "Ўзбекистон". 2011.
5. Каримов И.А. Выступление на Пленарном заседании высокого уровня по целям развития тысячелетия Генеральной Ассамблеи ООН. 20.09.10 г. Нью-Йорк, США// Дальнейшее углубление демократических реформ и формирования гражданского общества - основной критерий развития нашей страны. Т.: "Узбекистан". 2011 г. - Т. 19.
6. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. Т.: "Шарк". 2005.
7. Артемьев А.Е. Корсиканский вопрос во французской политике (1999-2003). Автореф. дисс...канд. ист. наук.- М.: "МГУ". 2009.
8. Мажидов Ш.Ф. Историческая общность центральноазиатского региона. Материалы Республиканской конференции "Марказий Осиё тарихи ва археологияси муаммолари" Самарканд, 2018.
9. Мажидов Ш.Ф. Этнонациональные процессы в интегрирующейся Европе. "Халқаро муносабатлар" - Ташкент, 2010, - №3.
10. Муминова Г.М. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқининг ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари - Сиёс. фан. номз...дис. автореферати. - Т.: "ЖИДУ". 2007.
11. Небыбаева Е.И. Современные иммиграционные процессы в странах Евросоюза (политологический анализ на примере Германии и Франции). Автореф. дисс...канд. пол. наук.- М.: "МГУ". 2009.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000